

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Муминов Бобур Эргашалиевич**

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси


Ҳозирги кун талабларига жавоб берувчи замонавий таълим талабларини белгилайдиган энг муҳим омиллар нималардан иборат деган савол туғилиши табиийдир. Бундай омилларнинг асосийси таълим тизимида янги олтинчи технологик йўналишга ўтиш. Шу кунгача дунёда бешинчи технологик йўналишлар, яъни телекоммуникация, интернет ва электроника хукмронлик қилган. Янги технологик йўналишлар эса биотехнология, нанотехнология, сунъий интеллектга ўтишни, шунингдек, инсонларнинг билим олишига инвестиция киритишнинг алоҳида ролини ўз ичига қамраб олади. Бу цивилизация ривожланишининг янги босқичи - ахборот цивилизацияси босқичидир.

Илғор хорижий мамлакатларда таълим тизимида янги олтинчи технологик йўналишга ўтган бир даврда, мамлакатимизда битирувчиларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражасининг пастлиги ачинарли ҳолат албатта. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилашда йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормокда”.

Мамлакатимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” концепциясида бу кўрсаткични 2030 йилга келиб 50 фоизга етказиш белгиланди (1-расм).

Қуйидаги расм маълумотларидан шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 10 йил ичида 2,5 баробарга ошириш режалаштирилган. Бундай кўрсаткичга нафақат мавжуд олий таълим муассасаларининг қабул квоталарини ошириш орқали, балки янги олий таълим муассасаларини очиш орқали ҳам эришиш режалаштирилган. Ўтган 2023 йилда 7 та янги олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг сони жами 213 тага етказилди. Шундан 116 таси давлат, 67 таси нодавлат, 30 таси эса хорижий

олий таълим муассасасидир. Ҳозирда 213 та олийгоҳда 1 миллион 300 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олиб, бу кўрсаткич ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 42 фоизга ошганлигини кўрсатади.



### 1-расм. Битирувчиларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг маълумотиغا асосан 2023/2024 ўқув йили учун 48 та давлат олий таълим муассасасининг 20 та хорижий мамлакат билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастури экспертизадан ўтказилган. Ижобий хулоса берилган 289 та қўшма таълим дастури учун 6 минг 818 та квота ажратилган.

QS “Фан соҳалари рейтинги”да 2 та олийгоҳ 4 та фан соҳаси бўйича “ТОП-500”, “QS Осиё университетлари рейтинги 2024” рўйхатида 14 та олийгоҳ “ТОП-1 000”, “QS Sustainability Rankings – 2024” рейтингида 3 та олийгоҳ “ТОП-1 000” университетлар рўйхатига киритилди.

“Scopus” ва “Web of Science” базалар журналларида мақолалар сони 3 минг 574 та, “Хирш” индекси беш ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сони 417 нафарга етказилди.

Қайд этилишича, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида умумий қиймати 242,3 миллиард сўм бўлган 157 та илмий лойиҳа молиялаштирилди. Илмий фаолиятга оид умумий молиялаштириш ҳажми 970,06 миллиард сўм бўлган 558 та лойиҳа амалга оширилган.

Олийгоҳлар ва илмий ташкилотлар томонидан 275,1 миллиард сўмлик жами 486 та ишланма тижоратлаштирилган. Докторантура учун квоталар сони 4 бараварга оширилиб, 4 минг 307 тага етказилган.

Соҳани рақамлаштиришга қаратилган 9 та ахборот тизими ишлаб чиқилиб, ягона интерактив давлат хизматлари порталида 11 та давлат хизмати ишга туширилди. “Олий таълим жараёнларини бошқариш – ХЕМИС” ахборот тизимининг мобил иловаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2023 йилдан бошлаб С1 даражадаги сертификати бор профессионал таълим муассасалари ўқитувчилари иш ҳақларига ҳам 50 фоиз миқдорда устама ҳақ тўлаш йўлга қўйилди.

Техникумларда грант ўринлар сони 22 минг 368 тага етказилиб, 2022/2023-ўқув йилига нисбатан 1,5 баробарга оширилди. Академик лицей битирувчиларининг олийгоҳларга ўқишга кириш кўрсаткичи 90 фоизга етди.

Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқот натижасида ҳозирда Олий таълим тизимини молиялаштириш билан боғлиқ қуйидаги мавжуд муаммолар аниқланди:

1. Давлат молиялаштиришининг етарли эмаслиги. Давлат бюджети ҳисобига молиялаштириладиган олий таълим муассасалари сони кўпайгани билан, уларга ажратилаётган маблағлар талаб даражасида эмас. Таълим ва тадқиқотлар учун ажратиладиган маблағларнинг камлиги илмий фаолиятнинг пасайишига олиб келмоқда.

2. Хусусий сектор иштирокининг камлиги. Хусусий сектор олий таълимни молиялаштиришда етарли даражада иштирок этмаяпти. Давлат-хусусий шериклик (PPP) механизми етарлича ривожланмаган.

3. Университетларнинг ўз даромад манбалари чекланган. Университетларнинг тадбиркорлик фаолияти ва ташқи маблағ манбаларидан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Олий таълим муассасалари илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятдан даромад олиш механизмларини ишлаб чиқмаган.

4. Талабалар учун молиявий юктамаларнинг юқорилиги. Контракт асосида ўқийдиган талабалар учун таълим тўловлари юқори бўлиб, кам таъминланган талабалар учун таълимга кириш имкониятлари чекланмоқда. Ўзбекистонда талабалар кредит тизими мавжуд бўлса-да, унинг қўлланилиши чекланган ва фоиз ставкалари нисбатан юқори.

5. Молиялаштириш самарадорлиги ва шаффофлик муаммолари. Университетлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш механизмларини етарли даражада ишлаб чиқмаган. Олий таълим тизимида молиявий шаффофликни таъминлаш учун рақамли молиявий бошқарув тизимлари ривожланмаган.

Олий таълим тизимини молиялаштириш билан боғлиқ мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Давлат молиялаштиришини ошириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш. Давлат бюджети ҳисобига молиялаштиришни олий таълим муассасаларининг самарадорлиги, илмий фаолияти ва халқаро рейтингдаги

ўрнига боғлаш. Олий таълим учун ажратиладиган маблағларнинг улушини ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмига нисбатан ошириш.

2. Хусусий сектор ва халқаро маблағларни жалб қилиш. Давлат-хусусий шериклик (PPP) асосида университетларни молиялаштириш моделини жорий этиш. Олий таълим муассасалари учун корпоратив ҳомийлик ва грант дастурларини кенгайтириш. Жаҳон банки, ОТМлараро халқаро фондлар ва хорижий таълим институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

3. Университетларнинг ўз маблағларини кўпайтириш механизмини ривожлантириш. Университетларда стартап-инкубаторлар, илмий тадқиқотлар ва технологик трансфер орқали даромад манбаларини диверсификация қилиш. Таълим ва консалтинг хизматлари орқали даромад олишни рағбатлантириш.

4. Талабалар учун молиявий юкламаларни камайтириш. Талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари дастурини такомиллаштириш ва фоиз ставкаларини пасайтириш. Кам таъминланган талабалар учун грант ва стипендия дастурларини кенгайтириш. "Work & Study" тизимини жорий этиш, яъни талабаларга университетда ёки шерик ташкилотларда ишлаш орқали таълим харажатларини қоплаш имкониятини яратиш.

5. Молиявий шаффофлик ва рақамлаштиришни кучайтириш. Университетларнинг молиявий бошқарувини рақамли трансформация қилиш ва бюджет сарф-харажатларини шаффоф тарзда олиб бориш. Электрон молиявий мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва самарадорлик кўрсаткичларини жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда фикримизча олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш учун давлат бюджети имкониятларини кенгайтириш, хусусий сектор ва халқаро грантлар иштирокини ошириш, университетларнинг мустақил даромад манбаларини ривожлантириш, талабалар учун имтиёзли кредитлар ва грантлар тизимини такомиллаштириш, шунингдек, молиявий шаффофликни таъминлаш зарур. Бу чоралар олий таълим тизимининг барқарор ривожланишига ва таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

Мазкур муаммоларнинг бартараф этилиши нафақат олий таълим муассасаларининг рейтингини ва таълим сифатини ошишига олиб келади, балки уларнинг молиялаштириш механизмига ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, республика олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларнинг жалб қилинишини ҳамда хорижий талабалар улушини ошишига, шунингдек халқаро юқори рейтинг кўрсаткичларга эришишга ҳам сабаб бўлади. Албатта мавжуд муаммоларни бартараф этиш бевосита молиявий маблағлар билан ҳам боғлиқдир. Бу борада илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш натижасида уларнинг айримларидан мамлакатимиз олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
4. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. 2019.